

Келинг, зикр ва дуо қиламиз! 1-дуо



09:28 / 09.04.2020 2138

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, суннати мутоҳҳарада келган ва турли муносабатлар ила қилинадиган зикрларни яхшилаб ўрганиб, ўз ўрнида адо этиб юриш лозим.

Мисол учун, фарз намозларнинг ортидан адо этиладиган зикрлар бор. Бу зикрларни адо этиш бизда қадимдан йўлга қўйилган. Ҳаттоки баъзи бир кишилар наздида намознинг бир қисмидек кўриниб қолган. Аслида эса улар намоздан ташқаридаги зикрлардир.

Тонг отганда ва кеч кирганда бомдод ва шом намозларидан кейин ўқиладиган дуолар бор. Шунингдек, маркабга минганда ўқилиши керак бўлган дуо бор, уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деярли ҳар доим ўқир эдилар. Шунга ўхшаш, ҳар бир мақомда ва муносабатда ўқиладиган дуо ва зикрлар бор. Уларни ўз ўрнида адо этишни йўлга қўйиш лозим. Зотан, бу турдаги зикрлар банданинг доимий равишда Ҳақ субҳанаҳу ва таолога боғланиб туришига хизмат қилади.

Келинг, қўлдан келганича мазкур зикрларни ҳам уларга амал қилиш нияти ила ўрганиб чиқайлик.

??????? ?????? ????????

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга яхши ният ёқар ва шум ният ёқмас эди».

Ибн Можа ривоят қилган.

«Нақшбандия: вазифалар, зикрлар» китобидан